



- * Талабаларга сессия олди тўрт парали муҳим "Дарс"
- * Аҳмаджон Мелибоев палов қилишни билмайдими?
- * Дунёдаги энг кекса тошбақа Дарвин билан учрашган
- * Автомобилга безътибор бўлсангиз, у сизни жазолайди



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

2000 йил 15 январь Шанба. № 5 (14287)

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз кадрдонларим, азиз дўстларим!
Халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг посбонлари бўлган сиз, азиз аскарлар, сержант ва прапорщикларни, офицер ва генералларни, барча ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни буюк сана - Ватан ҳимоячилари кун билан чин юракдан самимий муборакбод этаман!

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оила, аёл ва оналарнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қила олмас экан, уни том маънода давлат, деб атаб бўлмайди.

Бутун тарихий ўтмишимиз, аждодларимиз ўгитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини кафолатлай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайдди.

Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: "Аскарлари бакувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бакувват бўлур", деган сўзларида теран маъно мужассам.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурмалик, Жалолоддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темури каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзининг мана шундай буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олиши табиийдир.

Бугунги кунда шуни ифтихор ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ана шундай армия ташкил топмоқда. Унинг олдига қўядиган талабимиз ҳаммага маълум - бу армия тезкор, жанговар қобилияти юқори, ҳар жиҳатдан замонавий қурол-яроғ билан таъминланган ва энг юксак мезонларга жавоб бера оладиган бўлиши шарт.


Биз ўз армиямизни келгусида фақат профессионал армия сифатида кўраимиз. Ўзини мана шу она заминнинг фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир йигит учун армия, Қуролли Кучлар сафида хизмат вазифасини ўташ фахр-ифтихорга, шарафли бурчга айланиши даркор. Шу эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида давлатимиз ва халқимиз ўз куч ва имкониятларини аямайди.

1999 йил 16 фервалда Тошкентда содир этилган фожеали воқеалар, Қирғизистон жанубида ҳамда Тошкент вилоятида рўй берган воқеалар бизнинг Қуролли Кучларимиз, барча кўшин турлари жонажон Ватанимизга, она еримизга таҳдид солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қатъий зарба беришга қодирлигини, юртимизнинг муносиб ҳимоячилари эканлигини яна бир бор намоён этди.

Кимда-ким бизнинг муқаддас заминимизга нопок, ғаразли ниятлар ва таҳдидлар билан қадам босса, юртимиз атрофида ғаламисларча кўз олайтириб юрган бўлса, билиб қўйсинки, биз уларга қатъий зарба беришга ва ўз сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга қодирмиз. Бунинг гарови эса сиз - менинг мард ва жасур ўғлонларим.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, қутлуғ байрам билан табриклайман!

Испом Каримов.
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони



Сессия ташвишлари. Тошкент давлат Техника университетининг иқтидорли талабаси Икром МАМАРАЖАБОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

Хорижий мамлакатларда нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп билан оғриш кенг тарқалганлиги ҳамда грипп эпидемиясининг республика ҳудудига тарқалиши эҳтимоли муносабати билан:

1. Нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп эпидемиясининг олдини олиш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги касаллик кучайган даврда республиканинг бутун ҳудудига нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари режасини амалга киритсин, бунда:

беморларни фаол аниқлаш ва ажратиш чора-тадбирлари ташкил этилиши ва уларнинг кенг амалга оширилишини;
хавф туғдирувчи гуруҳга кирувчи аҳолини, энг аввало барча болалар ҳамда катта ёшдагиларни гриппга қарши эмлашни;
тиббиёт муассасалари, транспорт, савдо объектлари ва мактабгача болалар муассасаларида доканиқоблар тақиб юрилишини;
корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, олий ўқув юртлари, талабалар ётоқхоналари, мактаблар,

мактабгача болалар муассасалари, жамоат транспортида намлаб дезинфекция ўтказилишини ва шамоллатиш режимига риоя қилинишини;

маданият объектларида санитария-гигиена чора-тадбирларига риоя қилиниши устидан назорат қилинишини, зарурият бўлганда чеклаш тадбирлари жорий этилишини;

даволаш-профилактика муассасаларида ва дорихоналарда грипп ва у билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш учун зарур дори-дармон воситалари мавжуд бўлишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш тадбирларини эпидемия жамғармаси маблағлари ҳисобига тўлиқ ҳажмда маблағ билан таъминласин.

жамоатчиликни жалб этган ҳолда халқ хўжалигининг барча объектларида эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилиши кучайтирсинлар;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари буюртманомаларига биноан гриппга қарши вакциналар ва дезинфекция воситалари сотиб олиш учун маблағ ажратсинлар.

5. "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртманомаларига биноан нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппнинг олдини олиш бўйича туркум телекурсувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрласинлар, шунингдек республика матбуотида ва маҳаллий матбуотда материаллар чоп этсинлар.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар
Маҳкамасининг
Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 январь

ГЕОРГИЙ ПЕЛИСОВ, ПРОФЕССОР, Б.ЦУКИН НОМЛИ
ТЕАТР БИЛИМ ЮРТИНИНГ СОБИҚ РЕКТОРИ:

ТЎҒРИ ТАЛАНГАН ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида мен телевизор каналларини ўзгартираётган ОРТ орқали намойиш этилаётган "Мустақиллик синовлари" ҳужжатли фильмининг бошланғич титрларига кўзим тушиб қолди ва диққат билан уни охиригача томоша қилдим. Чунки фильм кўп йиллардан буён Россияда яшасамда, мен учун бегона бўлмаган мамлакат тўғрисида эди.

...1938 йилда мен Куйбишев институтини тамомлаб Тошкентга келдим. Республика маориф бўйича халқ комиссарлигида йўлланма ни кутиш билан оввора

нан Ўзбекистонда ислохотларнинг оқилона равишда, бутун жамият манфаати йўлида олиб борилаётгани, улар нафақат иқтисоднинг ривожланишига, балки барча инсонлар фаровонлигининг ошишига ҳам кучли таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг барча йилларида қийинчиликларга қарамай, бу ерда тўлақонли ва адолатли давлат яратилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ушбу фильм москвалик кино усталар томонидан суратга олинган. Бу эса россияликларда Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга

бўлган

ЭЪТИБОР

бўлиб юрганамда, беҳосдан мен каби ёш йигит — Москва нефть институти битирувчиси, яқинда нефть техникуми директори этиб тайинланган Аҳад Азизқориев билан суҳбатлашиб қолдим.

Шу қисқа суҳбат менинг ишга жойлашимни ҳал қилди. Мен етти йил Кўқонда яшадим, бўлажак нефтчиларга тил ва адабиётдан дарс бердим, шу ерда уйландим. Агар шифокорлар хавфли касаллигим туфайли менга иқлим шароитини ўзгартиришни маслаҳат бермаганларида, мен шу кунгача Кўқонда яшаган бўлар эдим. Кўчишга тўғри келди, лекин Ўзбекистон билан алоқани узганим йўқ. Талабаларим, театр-бадий институтдаги ҳамкасбларим билан Тошкентга келиб турдим...

Мен Ўзбекистоннинг бугунги кунини тўғрисидаги фильмни ҳаяжонланиб, фахр билан кўрганамни ўзбек ўқувчиси тушунсин, дея гапни шундан бошладим. Мамлакат унга мерос қилиб қолдирилган иқтисодий қийинчиликларни бар-тараф этмоқда, энг замонавий технологияларни жалб этган ҳолда маънавий жиҳатдан мустақамланмоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг сўнгги йиллар мобайнида Россияга тахминан 35 минг автомобиль экспорт қилгани мени ҳайратда қолдирди.

Яқин ўтмишда Россия газеталари Ўзбекистонга минтақа бўйича қўшни бўлган баъзи давлатларнинг "ютуқлари" тўғрисида кўпиртириб ёзган даврлар ҳам бўлди ва афсус ушбу мамлакат ютуқлари алам қиларли даражада кам ёритилди. Лекин ҳаёт ҳар нарсани ўз жойига қўйди. Ай-

қизиқишнинг ўсаётганидан гувоҳлик беради.

В.В.Путиннинг декабрь ойида Тошкентга қилган ташрифи Ўзбекистон тажрибаси, ислохотларнинг "ўзбек модели"га бўлган диққат-этиборидан далолатдир. Россия Президенти вазифасини бажарувчи Владимир Владимирович ўзининг баёнотларида иқтисодий ислохотларнинг олиб борилишида давлатнинг ролини ўстириш, инсонларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, Россия фуқароларини ватанпарварлик ва маънавий руҳда тарбиялашга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Буларнинг барчаси эса айнан Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Россия фуқароси сифатида, давлатимиз раҳбари эълон қилган тамойилларнинг ҳукумат олиб бораётган сиёсатда ўз аксини топишига умид қиламан.

Фильмда Ўзбекистон фуқароларининг ўз етакчиси — бир неча кун илгари мамлакат халқи томонидан ушбу юксак лавозимга қайта сайланган Ислон Абдуғаниевич Каримовга бўлган илиқ муносабати ва ҳурмат-эҳтироми жуда ҳаққоний кўрсатилган. Шахсан мен сайловнинг айнан шундай натижа билан тугашига ҳеч шубҳа қилмаганман ва мабодо республикангиз фуқароси бўлганимда мен ҳам у кишига овоз берган бўлардим. Яъни ўз Ватани буюк келажагини исботлаб берган инсонга, ҳамюртлари ишончини қозонган Президентга ҳайрихоҳлик билдирган бўлар эдим.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
"Жаҳон" АА,
Москва

Бундан қарийб беш йил муқаддам Ўзбекистон Президенти - Республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислон Каримов ташаббуси билан Тошкентда ҳарбий академия ташкил этилган эди. Олий маълумотли командир-мутахассислар тайёрлаш мақсадида барпо этилган ушбу академия Марказий Осиё мин-

ни намойиш этмоқда. Академия тингловчилари, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида ҳамда чет элларда, хусусан Америка Қўшма Штатларида НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" программаси доирасида ўтказилган ҳарбий машқларда ҳам фаол қатнашиб, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини жаҳонга яна бир бор намойиш этди.

Олий малакали офицерлар даргоҳи

тақасида ягона олий ҳарбий билим юрти ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг барча ҳарбийлари сингари Қуролли Кучлар академиясининг ўқитувчи ва тингловчилари ҳам ўзларининг анъанавий касб байрами - Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олмақда.

— Бизнинг олий ҳарбий билим юрти олдида қўйилган асосий вазифа мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун олий ҳарбий маълумотли офицерларни тайёрлаш, улар онгига юксак маънавий ва ҳарбий профессионал фазилатларни синдиришдан иборатдир, - дейди

Ҳарбий академия тингловчиларига ўз ишининг билимдонлари, катта ҳаётий тажрибага эга ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Уларнинг етмиш фоизидан зиёди олий ҳарбий таълим маълумотига эга.

Мазкур ўқув юрти бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган ўзининг мустақам моддий-техника базасига эга. Академияда ўқитиладиган ҳар бир фан бўйича махсус синфхоналар ташкил этилган бўлиб, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Оператив тайёргарлик, жанговар тайёргарлик, қўшинларни бошқариш ҳамда штабларда хизмат қилиш, авиа-

юртида республика тест маркази иштирокида кўп вариантли тест асосида тингловчиларни танлашнинг танлов тартиби жорий этилган.

Қуролли Кучларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари, мамлакат ҳудудини муҳофаза қилишнинг янги усулининг хусусиятлари ва қўшинларнинг ташкилий-штатли тузилиши,

тингловчиларнинг маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ахлоқий-психологик тайёргарлигини кучайтириш зарурлигини ҳисобга олувчи таълимнинг янги дастури ишлаб чиқилди ва татбиқ этилмоқда. Дастурда тингловчиларни касбга тайёрлаш масалаларини кучайтириш, уларнинг ихтисослаштирилиши, шунингдек, ҳарбий ҳаракатларда Марказий Осиёнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Тингловчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усули жорий этилди. Қуролли Кучлар академиясини техник томондан жиҳозлаш ва ахборотлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Локал ҳисоблаш тармоғининг транспорт-алоқа усули яратилди. Бу ерда Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси учун ўндан зиёд ҳарбий мутахассислик бўйича юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлаш таъминлаш имконини берадиган ўқитишнинг янги дастурига ўтилган.

Жорий йилда Академияда АҚШ, Франция, Германия, Бельгия ва Швеция ҳарбий экспертларининг оперативлик санъати, тактик ва оперативлик даражасида моделлаштириш, қўшма операцияларни режалаштириш ва амалга ошириш каби масалалар бўйича туркум лекциялар ўқиши юзасидан битимлар имзоланди ва келишувга эришилди. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси ҳарбий муассасалари билан биргаликда мутахассислар алмашуви тўғрисидаги масала ишлаб чиқилмоқда.

Хуллас, мустақил Ўзбекистонимиз Қуролли Кучлари учун олий ҳарбий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Буни чуқур ҳис қилган академия жамоаси ўзининг бутун куч ва билимини ана шу масъулиятли вазифани изчил бажаришга сарфарб этмоқда.

Т.Ботирбеков,
ЎЗА муҳбири



Республика мудофаа вазирининг ўринбосари - Қуролли Кучлар академияси бошлиғи, полковник Қодир Фуломов. - Академиямиз ташкил этилганидан буён уни бир қанча олий ҳарбий маълумотга эга бўлган юқори малакали миллий офицер кадрлар битириб чиқди. Улар ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий бўлинмаларда хизмат қилмоқда.

Ҳарбий академияда ўқиш муддати икки йил. Ўқув давомида тингловчилар назарий ва амалий жиҳатдан кўникмалар ҳосил қилади. Олий ҳарбий билим юрти тингловчилари асосан зобитлардан иборат. Улар академияда ҳарбий санъат сирларини пухта эгаллаш билан бир қаторда, Мудофаа вазирлигининг команда-штаблар машқларида қатнашиб, ўзларининг моҳир ҳарбийлар экани-

ция ва бошқа турдаги ўқув жиҳозлари намойиш этилган синфхоналари шулар жумласидандир. Тингловчиларга билим бериш ишларининг барчаси амалда компьютерлаштирилган. Бу ерда академиянинг ҳамма бўлинмаларини автомат тарзда бошқаришни таъминлаш имконини берадиган компьютер тармоғи мавжуд.

Олий ҳарбий таълим билим юрти қўмондонлиги олий малакали зобитларни тайёрлаш бўйича академия олдида қўйилган асосий вазифаларга асосланган ҳолда бугунги кунда бутун диққат-эътиборни таълим-тарбия жараёнини намунали ташкил этиш ва такомиллаштириш, энг аввало, миллий ҳарбий мутахассисларни етиштириб чиқаришга қаратмоқда. Бу борада академияда кўпгина муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, олий ҳарбий билим

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА БЎЛМОҚЛИК — ШАРАФЛИ БУРЧ

Душман Ватанинга кўз олайтирганида она юртининг қадрли қанчалар юксак, бебаҳо эканлигини сезаркансан киши. Навбатчиликда турган вақтларимда мен Ватан туйғусини айниқса чуқур ҳис этдим. Ота-онам, рафиқам ва ўғлим — Семруғ кўз олдимдан ўтаверар эди. Чегарани бузишга шайланганлардан


огоҳ топиб қолганлигим боис, менга кичик сержант унвонини беришди.

Аскар макмуллари

Ҳарбий хизматга қақирилганимдан жуда хурсанд бўлдим. Тез орада ана шу ҳаётга кўникиб, ҳаттоки уни ёқтириб қолдим. Кун тартибдаги режим,

турли машғулотлар ватан посбонларини бақувват, соғлом бўлишларини таъминловчи асосий омил эканлигига амин бўлдим. Айниқса, ҳарбий бўлинмаларда оммавий "Ватанпарварлик ишлари ойлиги" ўтказилганлиги, биз аскарларни янада ватанпарварликка, сергакликка чорлади.

Оддий аскар
Авазбек ФОЗИЛОВ



ДАРС ЖАДВАЛИ:

1 пара

Талабашуносликка кириш:

а) талабанинг боши "қанда" га: имтизон ва синовлар ёздан ола-

ги;
б) ҳамён "терапия".

2 пара

Домлашунослик асослари:

а) домлага ёзмаганлар;
б) лицейни бошқараётган ли-

цейдор.

3 пара

Тарихшунослик

4 пара

Эркин соат:

Энг сўнги миш-мишлар билан "Туркистон" газетаси билан "Туркистон" газетаси.

ШАРТНОМАЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР БОРМИ?

Талабаларнинг "севган мавсуми" сессияга ҳам санокли кунлар қолди. Сессияни ҳар бир талаба турлича баҳолайди, уларнинг бу мавсумни зўр ҳаяжон ва баъзан кўрқув ичида кутиб олиши балки шундандир.

Хўш, домлаларчи, улар бу мавсумга қандай баҳо берадилар ва қандай кутиб оладилар? ЎзДЖТУ роман герман филологияси факультети декани Мирзо Убайдуллаев билан бўлган суҳбатимиз шу мавзуда.

— Авваламбор, шуни айтиб ўтишим мумкинки, талаба бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган буюк бахтдир. Давлатимиз томонидан тест тизими жорий этилганидан буён олий ўқув юрларига кучли ва билимли талабалар кириб таҳсил олмақдалар.

Сессия хусусида сўз очадиган бўлсак, рейтинг тизими амалда қўллана бошлагандан буён домлаларга ҳам, талабаларга ҳам бир мунча қулайликлар яратилди. Сессияни ҳақли равишда талабалар олган билимларнинг ҳисоботи десак янглишмаймиз.

— Факультетда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Талабалар ҳар бир дарсда жавоб бериб, балл олишга ҳаракат қилади. Уларнинг дарсга қатнашиши, берган жавоблари, ҳаттоки тартиб-интизомлари учун ҳам алоҳида рейтинг баллари жорий қилинган. Ёшлар алоҳида битта дафтар тутиб, фанлардан олган балларини ёзиб боради. Фақатгина баллари етмай қолган талабалардангина қўшимча саволлар сессия вақтида сўралиши мумкин.

— Ҳозир шартнома бўйича ўқийдиган талабаларнинг ярмини ташкил этади. Уларга қандайдир имтиёзлар борми?

— Саволингиз жуда ўринли. Талаба пул тўлаб ўқияпти, демак унинг бош мақсади албатта яхши ўқиш бўлиши керак. Бироқ айрим талабалар буни тўғри тушунмай, мен шартнома бўйича ўқийман, мени ўқишдан ҳайдашмайди, деган нотўғри хаёлга боради. Бизда талабаларнинг яхши ўқиши учун барча қулайликлар мавжуд. Уларнинг билим савиясини ошириш учун хориждан малакали ўқитувчилар таклиф қилинган. Баъзи дарсликларнинг ҳамон рус тилида эканлигини ҳисобга олмаганда, кутубхона залларидан ҳар қандай китобни топиб ўқиш мумкин.

— Сессия арафасида талабаларга тилақларингиз.

— Ёшлар миллатнинг келажагидир. Менинг уларга ҳавасим келади, чунки улар мустақил юртнинг мустақил фикрли фарзандларидир.

ШЕРЗОД суҳбатлашди



Ва ниҳоят "Туркистон"га талаба ёшлар бош саҳифа тайёрланди.

СЕССИЯЛАР ЯҚИНЛАШМОҚДА!

Талабалар учун ҳаяжонли дамлар келгани рост. Сессиялар яқинлашиб қолди. Айни вақтда дарслар модул тезлигида рейтинг асосида олиб борилмоқда. Фанлар модул тизимида бўлгани сабабли уч ҳафта ёки кўпи билан бир ой давом этади. Бизга "номаълум" бўлган айрим фанларни энди ўрганишга киришган вақтимизда ажратилган соатлар тугаб қолди. Баъзи ўқитувчилар ўз фани мутахассислиги қолиб, балки ўзининг ҳаёти, оилавий мутахассислигидан дарс беришлари талабаларга сир эмас. Мен бир нарсага ҳайронман, талабалар ўтилган фанларни гапириб берадиларми ёки ўқитувчининг оилавий ҳаётини?

Воҳид АХМЕДОВ,
1-курс талабаси

— Бобур мирзо, табриклайман икки мингинчи йилинг билан. Бу мен, Шерзодман...

— Танидим, дўстим, ўзингни ҳам табриклайман.

— Биз икки мингинчи йилни яна ўн бир соатдан кейин кутиб оламиз... Тошкентлар тинчми? Лицейдош болалар яхши юришибдими? 6 февраль куни яна йиғилишасизлар, албатта. Мендан ҳаммага, айниқса устозга қайноқ саломлар етказ.

— Албатта, дўстим, айтганингдай бўлади...

Шерзод АҚШдан телефон қилаётган эди. Нью-Йоркдаги Ютика университетининг талабаси Шерзод Маматқулов ўзининг Тошкентдаги лицейдош дўсти, ТошДУ талабаси Бобурни табриклар экан, юрагидан Ватанини, дўстларини қанчалик қўмсаганини яширмади.

“Устозга салом етказ” деди у. Устоз — улар ўқиган лицей директори Сўлмас ака Султонов эди. Мазкур ҳикоямизга биз Нью-Йорклик ўзбек талабасининг мурабийга нисбатан меҳр-муҳаббатини пойдевор қилиб оламиз, зеро Шерзод ҳам, Бобур ҳам ана ўша мўтабар инсоннинг шогирдларидир. Ҳа, улар иккаласи ҳам пойтахтдаги Алишер Навоий номли Нафис санъат лицейининг собиқ тала-

нуфузли университет ва институтларнинг талабалари бўлишди. 1995 йили 74 битирувчидан 72 таси бу қутлуғ останада хатлаб ўтдилар. 1997 йилда 90 нафар йигит-қиз 87 нафар олий билим юрти талабаси деган номга эришган бўлса, ўтган 1999 йилда 92 битирувчидан 86 таси лицей парталарини университет ва институтларнинг аудиторияларига алмаштиришди.

Лицейнинг шаклланган 37 кишидан иборат педагогика жамоаси бор. Бироқ, бошқа олий ўқув юртларида дарс берадиган, шунингдек амалиёт билан шуғулланадиган юқори малакали мутахассислар: профессорлар, фан докторлари ва номзодлари, доцентлар ва директорларнинг ташаббуси билан лицейда ўриндошлик асосида ишлаш учун жалб қилинганлар. Ўқув юртида чет тилини, асосан инглиз тилини китоб мутолаа қилиш орқали ўрганган ўқитувчилар эмас, балки шартнома асосида АҚШ ва Англиядан келиб ишлайдиган, ҳақиқий инглиз ва америкаликлар жонли тилда олиб борадилар. Яна бир омил: лицей пойтахтимиз билан юрт-

ҚАЙТАРУР МИНГ ГАНЖ ИЛА

балари.

... Мазкур ўқув даргоҳи Чилонзор даҳасида, тўғрироғи шу номдаги метродан чиқиб, Фарҳод бозори томон йўл олганимиздан сўнг унинг мую-

лар орасида ҳар қанча фахрланса арзийдиган бой кутубхонага эга.

— Ўқув жараёнида бизга қўл келадиган қайсики китоб ёки қўлланма нашр этилганидан хабар топсак, албатта ундан икки нусха олиб, кутубхонамиз китобларига қўшишга ҳаракат қиламиз, дейди Сўлмас ака.

Шу кунларга келиб ўқув даргоҳимиз республикамизда мустақкам обрў-этиборга эга бўлиб олгач энди истеъдодли ўғил-қизларнинг ўзлари ёпирилиб келмоқдалар. Чўқурроқ билим бериш мақсадида биз болаларни еттинчи синфдан қабул қилишга ўтдик.

Мақоламиз бошида тилга олганимиз, лицейнинг собиқ талабаси, ҳозир эса Нью-Йоркнинг Ютика университетида таҳсил кўраётган 20 ёшли Шерзод Маматқулов ҳам Сирдаёнинг Бахт шаҳридан. Шерзод ўз кучи билан лицейга кирибди, уни битириб, Тошкент иқтисодиёт университетининг талабаси бўлибди. Аввалги йили эса “Умид” жамғармаси танловида ғолиб чиқиб, АҚШ университетига йўлланмани қўлга киритибди...

Бир нарсани қаламга олиб кетишларингизни илтимос қиламан, дейди

Сўлмас ака, — бизнинг ўзбек халқимиз ҳақиқатдан ҳам истеъдоди буюк халқ. Бизнинг халқимиздан Хоразмий, Беруний, Улуғбек, Навоий каби даҳолар бежиз етишиб чиқмаган. Истеъдод, Худо берган учқун халқимизнинг қон томирида бор. Биз элнинг орасидан ўша бўлғуси Берунийлару Улуғбекларни қидириб топшимиз, уларни қанотимиз остига олиб ўқитишимиз, тарбиялашимиз, катта ҳаёт йўлига олиб чиқишимиз лозим. Ҳеч шубҳа йўқ, улар келажакда мустақиллигимизнинг устунлари бўлиб хизмат қиладилар.

...Ҳар йили 6 февраль куни Навоий номли нафис санъат лицейида собиқ битирувчиларнинг учрашув кечаси бўлади. Бу нарса анъанага айланиб қолган. Лицейда таҳсил кўрган ўғил-қизлар қаерда бўлишмасин, албатта етиб келадилар. Бу йил ҳам шубҳасиз шундай бўлади. Ҳозир Японияда таълим олаётган Бунёд Умаров, АҚШ билим чўққисини эгаллаётган Малика Нурмухаммедова ҳамда Шерзод Маматқуловлардан суюкли устозларга табрик телеграммалари келади.


Буюк бобомиз Алишер Навоий қачонлардир қуйидаги ўлмас сатрларни ёзиб қолдирган эди:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.

Аллома шоирнинг қутлуғ номи билан аталдиган лицей ўқувчилари ўз устозларининг, она юртнинг халқини юз эмас, минг ганж ила қайтаришларига асло шубҳа йўқ.

Кодиржон СОБИРОВ



ТАЛАБАЛИК ТАСАВВУРИМБА

— Албатта тасаввуримдаги талабалик ўзгача дунё бўлади. Талабалар ҳаёти ўйин-кулгилардан, қувноқ даврлардан, ажойиб воқеалардан иборат бўлади, деган ўй ҳар бир қалбда мавжуд бўлади. Айниқса, менинг қалбимда, инсон фақат ўқишга кириб олгунича, яъни имтиҳонлардан ўтгунича қийналади, холос, у ёғи давом этаверади, деган ҳаёл ҳукмрон эди. Лекин талаба — талаб қила олувчи ва талабга жавоб бера олувчи экан.

XXI асрнинг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилган талаба ўзи учун интилиши ва изланиши лозимлигининг гувоҳи бўлган ҳолда талабаликкача бўлган даврдаги содда ва тўпори ҳаёлларимдан қулиб қўйдим.

Талабаликни жўн жараён деб билган издошимга талабаликнинг синови ва қийноқларига тайёр бўлишларини маслаҳат берадим.

Ф. ИСКАНДАРОВА

— Таътилдан мазага қилиб қайтганингдан кейин додингни бериб қийнашгани ёмон. Сессия ҳақида кўп эшитганман, аммо унинг ваҳимасини билмасдим. Битта фаннинг ўзидан 32 соат дарс қолдирибман. Домласини “гаплашиб” бўлмаскан. Оҳим домлажонимга етиб бормаса барчаси бекорга ўхшайди.

Норбой

“76” DA 76 ХИЛ ҲАНГОМА

Шу рақамли автобус билан имтиҳон-у синовларга вақтида етиб бора олармиканмиз?

Дўстим, сизга бир хангома ни сўзлаб берай! Эрталаб шошилиб кийинар эканман, ўзимнинг “76”да кетишимни ўйлаб, гижинаман. Шошиб бекатга чиқаман. Айни пайтда бекат менга ўхшаган “соҳиби 76” талабаларга лик тўла бўлади. “76” ҳам ўзини тарозига солиб, интизор қилиб келавермайди. Ниҳоят соғинч тўла дилларга “ором” бағишлаб “76” жаноби олийлари кўринади. Кела солиб, “ғийк” этиб “сенлардан қутуламанми, йўқми” дегандек “шарақ” этиб эшикларини очади. “76” нинг “бағри кенг”. Ичидаги одамларнинг бир-бири билан ниҳоятда меҳрибонлик билан кучоқлашиб турганларини кўриб яна гижинаман. Лекин кўз олдимизга келадиган домларимизнинг ниҳоятда “мулойим” юзлари, меҳрибон боқиши, қаторлашиб турган кўша-кўша “чиройли” “Нб”лар бизни “76” нинг “меҳмондўст” бағрига итаради. Автобусга ўзимиз чиқамизми, оёғимизми ёки бошимизми, ишқилиб вужудимизнинг бир бўлаги илашса бўлди, у ёғига Худо пошшо! Хуллас, “76” га чиқиб олдик. Энди Худо хоҳласа,

эсон-омон ўқишга етиб борсак керак. Автобуснинг ичида кўз очолмайсан. Ахир қандайдир танноз кизнинг кизгиш сочлари юзингни “паранжидай” ҳимоя қилишига чидаш осон эмас-да! Бир бало қилиб, “паранжини” олдинг ҳам дейлик. Во ажаб! О-дам, о-дам.

Нафасим бўғилиб, автобуснинг туйнугига интиламан, лекин у ерда туйнукни “ишғол қилган” ва аллақачон ташқарида турган беш-олтита бошларни кўриб, ҳафсалам пир бўлиб кетади.

Хулласи қалом, “эсон-омон” ўқишга етиб келамиз. Ўқишга етиб олдик! Кечикмадик! Худога шукр! Бу воқеа ТошДУ журналистика факультети талабаларининг ҳар кунги турмушидан бир лавҳа.

Талабаларнинг дарсга кечикиш ҳолатлари кўпайгани сабаб яқинда декан муовини Н. Фафоров бизга алоҳида иккита “мерседес” ажратилганлигини айтган эди. Афсуски, у бизга юзини кўрсатмапти!

Ақтам БЕРДИЁРОВ



2 наара: Домлашчностлик

Чингиз Айтматов Жамбулдаги зооветеринария техникумида ўқиб юганида шундай воқеа рўй берган экан:

“Биз ҳар куни сабоқ олишдан ташқари, айни пайтда амалий иш билан ҳам машғул бўлардик. “Йилқичилик”, “Кўйчилик” мавзуларида сабоқ олганимиздан сўнг, бирдан “Эшакчилик” мавзу-

бўлган битта “узун қулоқ экспонат”-ни танладик.

— Студент Айтматов, мана шу олижаноб ҳайвон тўғрисида билганларингни гапириб бер-чи? - деди

“ОТЧОПАР” ДАГИ

сига ўтиб кетдик. Дастлаб, ҳамма аския қилди: мавзуни қаранглар, эшак эмиш! Аслида бошқача экан. Маълум бўлишича, узун қулоқ, ханграшни қотирадиган эшаквойнинг авлодлари қадим замонларга бориб тақалар, зоти, турлари, ранглари ҳар хил бўлар, қисқаси, эшакдан эшакнинг фарқи бор экан. Бизнинг ўқитувчимиз рус эди. Қаттиққўл мўсафид. Ўз соҳаси бўлмиш йилқичиликни жуда яхши биларди. У қамалдаги Ленинграддан Қозоғистонга кўчиб келган экан. Техникум талабалари тажриба ўтказиши учун ёрдамчи хўжалик йўқ эди. Одатда, тажрибавий машғулот пайтида профессор шогирдларини Жамбулдаги “Отчопар” номли мол бозорига эргаштириб борарди. Ўша гал ҳам шундай қилди. Якшанба кунлари бу жой ажойибхонага айланиб кетарди: ён-атрофдаги овуллардан, қирғизларнинг Талас водийсидан мол оладиган, мол сотадиган одамлар ёғилиб келарди. Оломон орасида даллоллар бир дақиқа ҳам тиним билмасди. Биз ўзимизга маъқул

кўзойнаги ялтираб турган профессор. У киши яқинда “Инсониятнинг маданий тараққиётида эшакларнинг ўрни” мавзусида маъруза қилган эди.

— Бу ҳайвон дастлаб Африка ва Осиё китъасида тарқалган эди, - деб илҳом билан гап бошладим. - Ҳозир уларни Сурияда, Кашмирда, Тибетда, Туркманистонда, Ўзбекистонда, Қозоғистонда, Қирғизистонда, шунингдек, Мўғулистонда учратиш мумкин. Асосан, эшаклардан оилада оғир юкларни ташиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Ўзларинг кўриб турганларингдек, эшаклар бошқа ҳайвонлардан қулоқларининг узунлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда думлари ҳам узун, лекин юпка бўлади. Ўн икки ой мобайнида ҳоми-



МАШҲУРЛАР ТАЛАБА БЎЛТАНИДА...

ладор бўлиб юрадлар... - Шундай дедиму бирдан эшакнинг эгасини таниб қолдим. Бу киши бизнинг овулимиздан бўлиб, Қорақиз аммам билан Дўстали амакимнинг кўшниси эди. Сотувчи кўзларини олакула қилиб, эшак тўғрисида айтаётган гапларимни ташвишманд қиёфада тингларди. Қанийди, шу тобда ер ёрилсаю мен ер остига кириб кетсам! Товушим чиқмай қолди.

Лекин, менинг хаёлимдан нималар кечаётганини профессор тушунармиди?

— Студент Айтматов, нега индамай қолдингиз? Давом этинг! Кулранг эшак бошқа эшаклардан нимаси билан фарқ қилади? -

Бу ҳақда ҳатто лапар тўқилганди: “Эринг милиционер бўлса, доим ҳинд чойи ичасан...” Менинг қариндошларим, аммам ҳам, амаким ҳам шаҳарда ўқиётганим учун ўзларича қурсайиб юришарди. Обрў-эътиборли хунар эгаси бўлиб қайтсам, худо хоҳласа, нуфузли одамлардан бирига айланиб қолишим тайин эди. Таътилга келган пайтларим улар мендан ҳеч нарсаларини аяшмасди: тўйгунимча овқатлантиришарди, тирноқлаб йиғиб қўйган пулларини чўнтагимга тикишарди. Қўшни чолнинг гап-сўзларини эшитишгандан кейин кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолдилар.

Таътилга борган пайтим Қорақиз эжам хафа бўлиб, юзимга тикилиб ўтирди-да, хўрсиниб:

— Одамлар орасида юрган мишмишларга қараганда, шаҳарда юриб сен эшакчилик илмини ўрнаётган эмишсан, - деди. - Чирогим, бу нимаси бўлди? Ёки бошқа ўқийдиган илмгоҳ йўқмикан? Агар

МАШҲУЛОТДА

деб қис-тарди у.

Уялганимдан терлаб кетдим. Шундай қилиб, бояги оқсоқол овулга қайтиб борадию мени қандай ўқиб юганимни ҳаммага айтиб чиқади.

Қирқинчи йилларнинг охирларида Шакарда судья, прокурор, милиционер касби ҳурматга сазовор эди.

эшакчилик илмини ўрганишга жуда иштиёқманд бўлсанг, марҳамат, улар овулимизда етарли...

Уятдан қизариб-бўзариб кетгандим, очикқўнғил қариндошларим қаршисида ўзимни оқлаш учун беҳуда уринганларим ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди. Ахир, улар менинг мўъжизавий келажак соҳиби бўлишимни орзу қилишарди

БИР КҮН ПАЛОВ ЕМОҚЧИ БЎЛДИК

Талабалик йиллари иқтисодий масалага эътиборсиз қараб бўлмасди. Омади келган киши эрталаб Бешёғочнинг машхур тўрт тийинлик “Думба-жигар”-идан бештасини пешма-пеш тановул қилиб олса, кечгача кекириб юрар, ҳар қандай инжиқ, талабчан домларга рўпара келишдан ҳам ҳайиқмасди.

Учинчи курсга борганда ўзимизни сал тутиб олдик. Негаки илғор талабаларнинг газеталарда дастлабки хабарлари босила бошлаган, почта орқали келадиган қалам ҳақи арзонроқ ошхоналарга кириб, оёқни бемалол узатиб ўтиришга етарди.

Шундай кунларнинг бирида ичимиздан кимдир “бир сўмдан пул йиғиб чойхонада ош қилмаймизми?” деб қолди. Бу гап кўпчиликка маъқул келди. Бир пасда йигирма кишидан йигирма беш сўм йиғилди. Мен — гуруҳ оқсоқоли сифатида, яна Раҳматилла, олтиариқлик Олимжон, яна икки киши икки сўмдан кўшдик. Йигирма сўмга харажат қилиб, Бешёғоч боғидаги чойхонага келдик. Ичимизда дурустрок ошпаз ҳам йўқ экан, униси у деди, буниси бу деди, қайта-қайта сув қуйиб, аралаштириб, дам ўтмай тузини кўриб, бир амаллаб пиширдик.

Уч кило гуручнинг ошини тўртта лаганга сузиб ўртага қўйилди. Кенг ёғоч қаравотга қатор тизилишиб, энгларни астойдил шимариб хужумни бошладик. Ҳали икки ошамдан ҳам олмагандикки... Эҳ, эсласам, ҳозир мазам қочиб қолади. Кимдир илик қоқмоқчи бўлиб кафтини кафтига урган эди, “Қа-а-арс” деган овоз чиқдию, дунё остин-устун бўлиб кетди. Боғнинг кўл томони осмонга кўтарилиб, бериги ўтирганлар ер томонга ағанадик. Устимизга дастурхонда нима бўлса — ҳаммаси кулади. Қиёмат қойим бўлди. Сал ўзимизга келиб қарасак, йигирмата ошхўрни кўтара олмай, ёғоч қаравотнинг бир томони қарсиллаб синиб тушган экан... Эссизгина ош...

Ошдан айрилганимиз майли, чойхоначи 25 сўм тўлайсанлар, деб ўдағайлаб қолди. “Ҳой, ака, инсоф қилинг, ош ўзи йигирма сўм билан пишган бўлса, уч сўмдан ортиқ бера олмаймиз”, деб қаттиқ туриб олдик. Чойхоначи ўн сўмдан камига кўнмайман, деди. Охири, бир шарт би-



лан кўнди. “Шартим шуки, - деди у пачоқ бўлиб ётган қаравотга қараб, - ош қилгани энди бошқа чойхонага боринглар. Пахта ёғи ҳаммаёқни саситиб юборди. Бунақада қаравотдан ҳам, ошхўрлардан ҳам ажралиб қолишим мумкин...”

Биз ёппасига рози бўлдик. Ўшанда самовар паловлар думбаёққа пиширилишини қаяқдан билибмиз...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири



ПАРТАДАГИ БИТИКЛАР

дирмаган юрак кечинмаларингни бирма-бир, хотиржам сўзлагансан. Мен сенинг кўзларингга термулиб, менга бўй-буёқ муҳаббатингни англаб ўрардим. Биласанми ўшанда сенга ўқиб берган шеърларимни ханузгача асраб юрибман. Ўшанда биз дийдорлашиб турганимизни биргина осмондаги юлдузлар кузатарди холос. Улар бизнинг ишқий саргузаштларимизнинг тирик гувоҳларидир. Орадан йиллар ўтди, лекин хануз ўша оқшом менинг хотирамнинг туб-тубидан нур таратиб туради. Мени ўзига

Ўшанда тўн эди. Менга сенинг васлингни кўриш насиб этган бу оқшом менинг хаёлимда ханузгача муҳрланиб қолганини билсанг эди. Юлдузларнинг шивир-шивири гўёки


СЕНИНГ КЎЗЛАРИНГ...

менинг назаримда бизга қаратилгандек туюларди. Сен эса ёнимда жимгина туриб, менинг дардларимни, сирларимни диққат билан тинглар эдинг. Азизим эсингдами ўшанда сенинг нозик кўлларингга гул тутиб, бу гулларни бир умр сенинг хизматингга бўлишини истардим. Сен ҳам менга ҳеч кимга айтмаган, ҳеч кимга бил-


мафтун айлаб, васлингга телба қилган, менинг маъносини гоҳим ташланиб юрган ва ўзига нажот истаган Сенинг кўзларинг ҳали-ҳали менга ўтли боқиб туради. Мен эса ҳеч қачон бу кўзларни унутолмас керак...

Отабек АСЛОНОВ,
талаба

Д.А. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректорига!
“Туркистон” тахририяти сизнинг талабангиз, иқтисодиёт факультетининг IV курсида ўқиётган Шерзод Маматовни Ўзбекистон талабалари ичидаги энг зуккоси ва тазкори деб топди. Шерзод газетамизнинг 1999 йил 22 декабрь сонидан топқирларга берилган 8 та саволга энг тўғри жавоб йўллабди.



3 наара: Тарихчинослик



Қишнинг қорларига бардошимиз етади. Сессияда домларнинг, себеп узхор этганимизда қизларнинг қобуладан бу учкунлар ёмаса бўлгани

Одатда техникага жонсиз нарсасдек қараймиз. Аслида баъзи буюмлар уларга қилган муомаламизга яраша худди инсонлардай жавоб берар экан.

1978 йилда Флорида шаҳрида яшайдиган аёл ўз автомобили ғилдираклари остида жон берди. Уни яхши билган ҳамкасбларнинг ҳикоя қилишича, аёл умуман автомашинасига эътибор бермас, уни худди қулдек ишлатар экан. Кунларнинг бирида у уловини супермаркет олдига қўйиб, двигателини ўчириб, дўкон томон юради. Эгасининг совуқ муомалаларидан "эзилиб" юрган машина нимадир бўлиб ўт олади-да, ўрнидан қўзғалиб аёлга етиб, бахтсиз аёлни босиб кетади. Автомашини шундан сўнг ҳам "қалбидаги аланга"ни ўчира олмайди. Бурилиб келиб, ўлиб ётган аёлни яна янчиб ўтади, яна... Кутилмаган воқеадан ҳангу-манг

бўлиб қолган оломон кўз ўнгида автомашина чорак соатдан сўнггина ҳеч нарса бўлмагандай таққа-тақ тўхтади.

Бундан ўттиз йил муқаддам Англиянинг Саутпорте шаҳридаги "Палас Отель" меҳмонхонасини буза-

ишламаган гўзал бир қиз суратини ҳам чиқарарди. Аввалига мутахассислар аппаратнинг микросхемасига адашиб ушбу қизнинг

расми тушиб қолган бўлса керак, деган фикрга келишди. Бироқ ўтказилган текширишлар тахминларнинг хато эканлигини кўрсатди. Кейинги изланишлардан автомобиль ҳалокатида ҳалок бўлган қиз тасвири нусха кўчиргичга тушиб қолганлиги аниқланди. Аммо бу қандай усулда содир бўлгани ҳанузгача сирлигича қолди.

Баъзан буюмлар кўз ўнгимизда ўзлари учун ҳукм чиқаради. Телефон, чангюткич, автомобиль каби буюмлар сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор экан. Яхши муносабатда бўлмасангиз, улар адолатсизликка чидай олмайди. 1993 йилда Непалда бир неча киши уйдаги телефон гўшагини қулоқларига олиб борганида, 600 вольт кучланишли электр қуввати уриб ҳалок бўлишган. Алоқачилар ташкилоти телефон юқори кучланишли симга уланиб қолган бўлса керак, деб ҳисоблашди. Журналистлар эса ҳалок бўлганларнинг барчаси бир жиноий гуруҳга мансублигини аниқлади. Агарда телефон ҳақиқатда ҳам юқори кучланишли симга уланиб қолганида кўпроқ кишининг ёстиғи қуриган бўларди.

Афсуски, буюмларнинг эгаларидан "қасос" олиши, ёхуд уларнинг жонига қасд қилиши ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Хориж матбуотидан

ҚАСОСКОР... АВТО



ди-ган бўлишди. Бинога келадиган электр қуввати сими узиб қўйилди. Уч ҳафта мобайнида у ерга бирорта ҳам жонзот кирмаган эди. Тўртинчи ҳафтада эса бирдан иншоотнинг эски лифти ишга тушиб кетди. У пастдан юқorigа ва аксинча қатнар экан, ҳар бир қаватда тўхтаб эшикларини очиб, ёпарди. Лифт бундан аввал 112 йил мунтазам қандай хизмат қилган бўлса, яна шундай бетўхтов ҳаракатларанар эди.

Зудликда электриклар чақирилди. Улар ҳақиқатда ҳам бинога келадиган электр қуввати сими узиб қўйилганини тасдиқлашди. Физика қонуниятларига зид равишда электр қувватисиз ишлаган лифтни ўшанда "Би-Би-Си" мухбирлари видеотасвирга туширишга улгуришди.

Ишлаб чарчамаган лифтни соловчилар болғалар билан уриб, зўрға тўхтадиб қўйишди.

1995 йилда Англиянинг Бурн шаҳридаги фирмаларнинг бирида "севгига мубтало бўлган" нусха кўчирувчи машина пайдо бўлди. У ҳар сафар ҳужжатлардан олинган нусхага қўшимча бир варақ қоғозда ҳеч кимга таниш бўлмаган, мазкур фирмада

Талаба ижарага олаётган уйининг бекасига хушомад оҳангида дебди:

— Ўтган йили кетаётганимда бекам йиғлаб қолган эди...

— Менда бундай бўлмайди! Ижара ҳақини олдиндан олиб қўяман.

Талаба уйига хат ёзибди: "Ойижон, ўқишни бошлаб юбордим. Ҳамма дарсга автобусда боради, мен таксида боряпман." Онасидан жавоб келиб-

ди:
"Ўғлим, бошқалардан ажралиб туриш яхши эмас. Автобус сотиб ол-да, эл қатори автобусда қатна."

Домла бир соат лекциядан сўнг талабадан сўради:

— Қалай, сўзларим ёқдимми? Эснашдан зўрға ўзини тийиб ўтирган талаба деди:

— Ростини айтсам, лекциянгизни биргина "Лекциям тугади" деган жумласи жуда ёқди.

Ота:
— Ўғлим, синов дафтарчанг қани?
— Ўртоғимга бериб юбордим. У билан ота-онасини кўрқитмоқчи.

Икки талаба ёзма имтиҳондан чиққач, хайрлашапти.

— Масалани ечолмадим, варақани оппоқ ҳолича топшириб чиқавердим.

— Мен ҳам шундай

қилдим.
— Ие, расво қилибсану! Улар сени мендан кўчирган деб ўйлашади-ку?

Профессор талабага зарда билан деди:

— Доим сенга савол берсам, саволимга савол билан жавоб берасан!

— Наҳотки?! Чиндан ҳам шундай қиламанми?

ЖИНСИ ШИМ ЙИРТИЛИШИДА ҲАМ ГАП БОР



Ҳаммининг жинси шими турли жойларидан йиртилишини сезганмисиз. Бу ҳам ҳар кимнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ экан.

1. Агарда шим оёқлар орасидан ситилса. Бундай кийим эгалари очик қўнғил, хушчақчақ, сермулозамат. Улар орзу-ўйларга кўп берилади, сал дангаса, тепса-тебранмаслик одати ҳам бор. Бироқ синингизни ишонсангиз бўлади. Тинч-хотиржам яшашни, мазали таомларни тўйиб ейишни ёқтишади.

2. Шимингиз тиззадан йиртилса. Унинг эгалари ғайратли ва саранжом-сарошта. Айтилган ишни вақтида бажаради, фаросатли, чаққон. Бўш

вақтларида спорт ёки саёҳат билан шуғулланиш жони-дили. Чағдаст, тиришқоқ, ихтирочи, ақл-заковатли. Аммо жонсарак ва сержаҳл.

3. Шим орқа чўнтак ёнидан ситилса. Сирли шахслар. Улар қанчалар катта салоҳиятга, очилмаган имкониятларга эга эканлигини ҳатто ўзлари ҳам сезавермайди. Ҳаёти тасодифларга бой, кўриниши, иш ва яшаш жойларини, ҳатто касбини ҳам осонгина ўзгартириши мумкин. Ҳозиржавобликда тенгсиз. Бироқ тезда хасталикка чалинади, сиркаси сув кўтармайди.

4. Агарда жинсингиз пойчасидан ёки ички томонидан йиртила бошласа. Унинг соҳиблари доли-гули, анча-мунча нарсага парво қилмайди. Ўйин-кулги, бесамар, саёқ юришни, шеърят ва лирик оҳанглари ёқтиради. Тезда бировни севиб қолиши билан бошқалардан ажралиб туради. Бундай одамларга ишониш қийин, енгилтакликлари билан сизга кўп ташвиш туғдиришлари мумкин.

1. Нима сабабдан осмон зангори бўлиб кўринади? Қоп-қора кўриниши мумкинми?

2. Соат ишлаб чиқариш билан қайси давлат машҳур?

3. Балиқ овлашда биринчи ўринда турадиган давлат.

4. Туризмдан энг кўп даромад олувчи мамлакат.

5. Автомобиль ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда турадиган давлат.

6. Баъзилар тугилган кунини тўрт йилда бир марта нишон-

лайдилар. Нима сабабдан шундай?

7. Картошканинг ватани қаер?

8. Метро дастлаб қайси шаҳарларда ва қачон қурилган?


9. Қайси халқ сигирни муқаддас деб билади?

10. "Бугдой пойтахти" деб ном олган шаҳарнинг номини айтинг.

Викторина саволларига тўлиқ жавоб ёзиб юборган мухлисларимизни "Туркистон" газетасининг совғаси куталди. Жавоблар 10 февралгача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 133-79-69.

ТОПҚИР
ТАЛАБАГА
ТОПШИМОҚ



4 наара: Эркин соат

дарс

УЗА Д Е Х Л И. 14-15 январ кунлари бу ерда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик бўйича Ҳиндистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтади. Навбатдаги йиғилишда Дунё Бир шумеача-Мин томонлар муносабатларида шу кунгача эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилиш натижаларини муҳокама қилади ҳамда ҳамкорлик алоқалари истиқболини белгилаб олади.

П Р Е Т О Р И Я. Жанубий Африка Тараққиёти Ҳамжамияти доирасида эркин савдо зонаси барпо этиш тўғрисидаги протокол шу йилнинг апрел ойида кучга киради. Ҳамжамият ижрочи котиби вазифасини бажарувчи Прег Рамсами бу ҳақда баёнот берди.

П.Рамсамининг таъкидлашича, ушбу ҳужжатни 10 давлат - Ботсвана, Лесото, Малави, Маврикий, Мозамбик, Намибия, Танзания, ЖАР, Свазиленд ва Зимбабве имзолади ҳамда ратификация қилган. Протоколни Ангола ва Замбия имзолаган. Бирок, бу мамлакатлар ҳозирча уни ратификация қилгани йўқ. Яна икки мамлакат - Конго Демократик Республикаси ва Сейшел ороллари протокол кучга кирган кунни автоматик равишда унга қўшилади. Аммо, келишувга биноан, Ҳамжамиятга кирувчи 14 мамлакатнинг учдан икки қисми эркин савдо зонаси барпо этиш тўғрисидаги протоколни ратификация қилса, кифоя.

П А Р И Ж. Жорий йилда Франция ҳукумати ўтган йили мамлакатда юз берган табиий офат асоратларини бартараф этиш учун 4 миллиард франк (700 миллион АҚШ долларига тенг) ажратди.

Франция Бош вазири Лионел Жоспеннинг маълум қилишича, келгуси олти йил давомида мамлакатдаги ўрмонларни тиклаш учун яна 6 миллиард франк ажратилади.

Т Б И Л И С И. Грузия марказий сайлов комиссияси шу йил 9 апрелда ўтказиладиган президент сайловида тайёргарлик кўра бошлади. Комиссия маълумотига қараганда, 75 та сайлов округида 2620 та сайлов участкаси тузилади.

К И Е В. 25-26 январ кунлари Москвада ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида Украина учун МДХ доирасида эркин савдо зонасини барпо этиш госяни амалга ошириш масаласи асосий мавзу бўлади. Украина Президентининг матбуот котиби

ШУБҲА ОРАЛАГАН ЖОЙДАН ИШОНЧ ЙЎҚОЛАДИ

Россия федерал қўшинларининг Чеченистонда террорчиликка қарши амалга ошираётган ҳарбий тадбири чўзилиб бораётгани сари бу можаро тўғрисидаги гап-сўзлар ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда Россия ҳарбийлари, Чеченистонга қурол-яроғ ҳамда ёлланган жангарилар Озарбойжон ва Грузия орқали кириб келмоқда, қабилидаги гапларни тарқатган эди. Бу хабарни Озарбойжон ҳам, Грузия ҳам қатъиян рад этди. Бир-бирига қўшни икки давлат раҳ-

миқдорда ҳарбий кийим-бош сотганликда айбланган. Аслида эса юқорида зикр этилган юз донга тўппонча ана шу ҳарбий кийим-бош никоби остида Чеченистон жангариларига берилган, деб таъкидлайди Россия махсус хизмат ходимлари.

Грузия Давлат хавфсизлиги вазирлиги бу хабарни рад этар экан, Россия федерал қўшинлари матбуот хизматининг "жангарилар Грузия ҳудудида яширинган ва у ерни ўзининг таянч манзилига



бари ўз мамлақати ҳудудида бирорта ҳам чечен жангариси паноҳ топмаслигини таъкидлади. Устига-устак, Россия тарқатаётган бу тарздаги хабарлар Озарбойжон ва Грузияни ҳам Чеченистон можаросига тортиш, охир-оқибатда, "оловли ўлка"даги урушнинг бутун Кавказ минтақасига ёйилиб, улкан зиддиятга айланишига сабабчи бўлиши мумкин, деган ташвишли баёнот берилди.

Куни кеча эса Грузия парламенти раиси Зураб Жвания Чеченистон жангариларига қурол-яроғ Россия ҳарбий омборларидан олиб борилмоқда, дея таъкидлади. Табиийки, бу гап оловга мой сепгандай бўлди. Россия томони мазкур баёнотни рад этар экан, бу билан Грузия расмий доиралари Чеченистон жангариларига қурол сотаётганини ниқоблашга уринмоқда, деди.

Россия хавфсизлик органлари маълумотларига қараганда, Чеченистонга айнан Грузиядан ўқотар қуроллари кириб келмоқда. Масалан, ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига асосланган бўлса, ўтган йили сентябр ойида Грузия Чеченистон жангариларига минг донга автомат ва бошқа ўқотар қуроллар, декабрнинг бошларида эса яна юз донга тўппонча етказиб бергани аниқланган.

Россияликлар бу билан чекланиб қолмай, ушбу маълумотларни далиллар билан исботлашга ҳам ҳаракат қилмоқда. Масалан, 4 декабрда Грузия Мудофаа вазирлигига қарашли артиллерия Бошқармаси бошлиғи Пирс Манишвили Чеченистон жангариларига катта

айлантирган", деб таъкидлаган маълумотини ҳам уйдирма, дея баҳолади. Вазирлик бу айбловларга ўз муносабатини билдириб, уларни мутлақо ҳақиқатга зид ва Грузияга нисбатан навбатдаги кўпол тухмат, деб атади.

Баёнотда таъкидланишича, Грузия ҳукумати Чеченистондаги можарони Россиянинг ички иши, деб баҳолаб келаяётгани Москвадаги раҳбарларга яхши маълум. Шу боис "Чеченистон жангарилари Грузия ҳудудида паноҳ топяпти" қабилидаги хабарлар батамом бўхтондир. Зеро, Чеченистондаги можароларни чўзиш Грузия манфаатларига мос эмас. Воқеаларнинг бу тарзда ривожланиб бориши мамлакат суверенитетига таҳдид солади, дейилди жумладан баёнотда.

Бундай ўзаро айбловларнинг пайдо бўлишига, аввало, Грузия ва Озарбойжоннинг Чеченистонга "девор-дармиён" қўшни эканлиги сабабдир. Лекин, нима бўлганда ҳам, давлатлар расмий доиралари ўртасидаги даҳанаки жанг яхшиликка олиб келмаслиги маълум. Айниқса, Россия ҳукуматининг бўйи "Чеченистон масаласи" деб аталмиш тарозуга қўйилиб турган бир пайтда бундай айбловлар нафақат ушбу давлатларни, балки МДХга аъзо бошқа мамлакатларни ҳам жиддий ташвишга солиши табиий. Бу эса ўз навбатида ўзаро ишонч сўниши, ўзаро манфаатли интеграция жараёнлари сусайиши ва бошқа кўплаб салбий оқибатларга олиб келади.

Саидмурод РАХИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

УЗА Александр Мартиненко журналистлар билан учрашув чоғида шуни маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, саммит иштирокчилари МДХнинг 2005 йилга қадар бўлган вақт давомидаги тараққиёт дастурини ҳамда ҳамкорликда террорчиликка қарши кураш ва бошқа долзарб масалаларни муҳокама қилади.

В А Ш И Н Г Т О Н. Исроил ҳукумати Россиянинг келгуси ойда Москвада Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан бартараф қилиш борасида музокара ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Исроилнинг АҚШдаги элчиси Заман Шовул шу ҳақда баёнот берар экан, биз бундай кўптомонлама учрашув ўтказилишини кўп йилдан буён кутаётган эдик, деди.

Бўлажак музокарада минтақанинг барча мамлакатлари ҳамда АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи, Япония вақиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Ф Р А Н К Ф У Р Т. Германияда грип билан оғриган беморлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, мамлакатнинг жануби-ғарбий қисми аҳолиси кўпроқ шу дардга чалинаётир. Маҳаллий шифокорларнинг айтишича, Буюк Британияда гриппнинг "Сидней" номли вируси кенг тарқалган бўлса, Германияда "Москва" вируси кишиларни ўз чангалига илдиarmoқда.

Ж Е Н Е В А. Ўтган кун Цюрих шаҳри яқинида Швейцариянинг "Кроссэр" ҳаво йўллар компаниясига тегишли самолёт ҳалокатга учраган эди. Воқеа содир бўлган жойда ҳозир юзга яқин киши текширув ишларини олиб бораётган бўлса-да, ҳалокат сабаблари ҳали маълум эмас. Самолётнинг иккита "қора қути"си эса ҳамон топилганича йўқ. Маълумотларга қараганда, ушбу фожиадан ўн киши нобуд бўлган.

Р И М. Италия ҳамда Португалия ташқи ишлар вазирлари Европа комиссияси раиси Романо Продиннинг Ливия раҳбари Муамар Каддофийни Европа Иттифоқининг меҳмони сифатида Брюсселга таклиф қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Икки мамлакат вазирлари Римда бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда баёнот берди. Вазирлар М.Каддофийнинг ЕИга ташрифи, Европа билан Шимолий Африка давлатлари, хусусан, Ливия билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизликни сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Азиз муштарийлар! Ушбу бошқотирма тўрт ҳарfli сўзлардан тузилган. Унда белгиланган йўналиш бўйича бўш катакларга сўзларни ёзиб чиқинг.

1. Спорт майдони.
2. Автомобилнинг асосий қисми.
3. Баҳор ойи.
4. Бокс майдони.
5. Товушнинг шартли ёзма белгиси.
6. Ҳарбий машина.
7. Дурадгорлик асбоби.
8. Қандолат маҳсулоти.
9. Эстетик завқ.
10. Пул.
11. Тантанали куй.
12. Юқори унвонга эга бўлган дворян.
13. Сутканинг йигирма тўртдан бир улушига тенг вақт.
14. Куёш.
15. Игна баргли ўсимлик.
16. Дока лента.
17. Кир ювиш воситаси.
18. Сон.
19. Эгилмасдан синадиган, синувчан.
20. Саннинг русча айтилиши.
21. Чет эл автомобиль русуми.
22. Тўрт мавсумнинг бири.
23. Йирик пашша.
24. Савоб учун бериладиган нарса.
25. Туғилганлик, вафот этганлик ҳолатларни қайд этувчи идора.

Тузувчи: Саодат ОРИФЖОНОВА

	2		6		7		2		3	
u↑	P1	u↑	P2	a↑	M3	u↑	P4	u↑	P5	
	→a		→p				→		→b	
	6↑	K	70	a	8↓	a	9		10↑	a
					8		→			
	11↑	u↑	12		13	↑	14		15	a
							→		→	
	16↑	u↑	17		18		19		20	↓
					↓					
	21	↓	↑	22	↑	23	↓	24	↓	25

ЖУМБОҚ-НИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 8 январь сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Фарҳод.
2. Дарвоза.
3. Арава.
4. Ана.
5. "Аякс".
6. Суринам.
7. Мазах.
8. Хурмо.
9. Осако.
10. "Оскар".
11. Рекет.
12. Тароқ.
13. Қатл.
14. Ламбада.
15. Адиб.
16. Бонн.
17. Нафс.
18. Сўна.
19. Абр.
20. Ракурс.
21. "Сотти".
22. Ирода.
23. Ариза.
24. Айкидо.
25. "Океан".
26. Навкар.
27. Рейтер.
28. Рио.
29. Осако.
30. Олтин.
31. "Нидо".
32. Овоқ.
33. Қози.
34. Или.
35. Иосиф.

ТЎҚИМАЧИЛАР БАЙРАМИ

Ватан ҳимоячилари кун нафақат ҳарбий хизматдагилар учун, балки мамлакатнинг ҳар бир эр йигитига байрам. Ана шундай масъулиятни олган Ўзбекистон хонадонлари мана саккиз йилдирки бу кунни байрам қилади.

14 январь — ўзбек армияси кунини таътилдан эндигина қайтган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти талабалари ҳам нишонлашди.

— Талабаларимизнинг кўпчилигини ўғил болалар ташкил этади. Биз чин маънода ҳақиқий юрт ўғонларини тарбиялаганимиздан мамнунмиз, — дейди институт проректори А.Абдуғафоров. — Бугунги тинч замонамизда четдан ёмон назар билан қараётганларга қарши мана шу байрамимиз ўқ бўла олади. Ватанни ҳимоя қилиш нафақат чегарада туриш, балки аъло билим билан ўқиб юрт қорига яраши ҳамдир.

Институт байрам кечасига ҳарбий фахрийлардан тортиб, санъаткорларга ҳам тақлиф этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЭНГ КЕКСА ТОШБАҚА

Австралиaning Брисбейн шаҳридаги ҳайвонот боғида Хэрриет исмли тошбақанинг туғилган кунини нишонланди. У бундай тантанага арзийди. Чунки у дунёдаги энг кекса тошбақа бўлиб, ҳозир 169 ёшга тўлди.

Тошбақани ҳатто машҳур олим Чарльз Дарвин ҳам билган. Дарвин унй Галапагос оролларида саёҳатга борганида учратиб, ўзи билан Англияга олиб келган эди. 1841 йилда уни Австралияга келтиришган. Ушандан буён тошбақа ҳайвонот боғларида иззат-икромда яшаб келаётир.

ТҲЙИ КУНИ...ТАЛОҚ ҚИЛДИ

Саудия арабистонлик аёл ниҳоят ўели уйланаётганидан боши осмонга етиб, тўйда давра ўртасига чиқиб рақс туша бошлади. Буни кўрган келинчақ эрининг қулоғига шиттиди: "Онанингизга айтинг, қилпиллайвермай, обрўйини сақлаб жойига утирсин". Буни эшитган кўевнинг ранги-кути учди, онасини танқид қилгани учун ҳамманинг кўзи ўнгида бор овози билан ҳали яшаб улгурмаган хотинига қарата уч марта "Талоқсан" деди. Тўй қизишга улгурмай тарқалди.

ЎЗИНГИЗГА ЎЗИНГИЗ... ТАБИБСИЗ

Агарда ўз вужудингизга эътибор билан қулоқ солсангиз, кўп хасталиклардан фориг бўлишингиз мумкин экан. Чунки сиздаги ҳис-ҳаяжон, ўй-фикрлар билан касаллик ўртасида боғлиқлик бор, дейди канадалик шифокор Лиз Бурбо. Агарда ҳаётингиздан норози бўлиб, бунга атрофингиздаги одамларни сабабчи деб билсангиз, сизда темир моддаси камайиб кетган.

Белингиз оғрийдими? Демак, сиз моддий жиҳатдан қийналяпсиз. Ишингизни ўзгартиришни ўйлаб кўринг.

Оёғи оғриқларнинг аксарияти келажак ҳаётиндан хавотирда.

Милди безовта қилувчилар муҳим масалада бирорга ечимга келолмаётган ёки уни ҳаётга тадбиқ этишга қийналяётган бўлади.

Томоғидан шикоят қилувчиларнинг кимдандир жаҳли чиққан ва муваффақиятсизликлари учун бошқа кишиларни айбдор деб билди.

Агрит касаллигининг сабабини эса одамнинг ҳаётдан ҳафсаласи пирлиги ва унинг ҳас-сидлигидан қидириш керак.

Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ХАМАЛ. Душанбада сирли учрашув. Сешанба кун молиявий ахволингиз яхшиланади. Чоршанбада соғлиқни ўйланг. Пайшанбадан хушxabар кутинг. Яқинлар билан жумада дийдорлашасиз. Шанба кун муҳим ишларга қўл урмаганингиз маъқул.

САВР. Ҳафта бошида сабрни ўзингизга ҳамроҳ қилинг. Сешанба — ижодкорлар кун. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба кун яқинингизни кутинг. Жума чўнтак учун хайрли кун. Шанбада асаблар чарчаган. Яқшанба кун алданиб қолманг.

ЖАВЗО. Душанба кун тақдирланасиз. Сешанбада эса бойиш эҳтимолингиз бор. Чоршанба кун зиддиятлардан нари юринг. Пайшанбада қувонасиз. Баракали харид учун жумани



танланг. Соғлиқ, кайфиятингиз шанбада тушкун. Ҳамкорлар билан учрашувни яқшанбага қолдиринг.

САРАТОН. Кўпдан буён кутаётган кўнғирофингизни душанбада эшитасиз. Сешанба кун ишлар о'кей. Чоршанбада самарали ижод қиласиз. Пайшанба ва жума кунлари асаб толаларингиз анча чарчагани сезилади. Шанбада қувонасиз. Яқшанба хоҳлаганингиздай ўтади.

АСАД. Душанба кунги харидингиздан кўнглингиз тўлади. Сешанба қувончли кун. Тижорат ишларингиз чоршанбада ривож топади. Пайшанбада кайфиятни туширмасликка ҳаракат қилинг. Шанбада сирли учрашув. Яқшанба кун яхши дам сизга ҳамдам.

СУНБУЛА. Ҳафта учрашувлар билан бошланади. Соғлиқ ҳақида ўйлаш кераклигини сешанбада унутманг. Чоршанба ва пайшанба кунлари молиявий масалалар барҳам топади. Жумада ҳамкорлар билан бўладиган суҳбатда фойда сиз томонга ҳал бўлади. Севгилингизга шанба ва яқшанбани бағишланг.

МЕЗОН. Ҳафта бошида сизни сўроқлашади. Сешанба кун ҳамкорлар билан янги битим тузасиз. Чоршанбада ишлар о'кей. Пайшанба кун зиддиятлардан нари юринг. Жумада сирли учрашув. Ижодкорлар учун шанба баракали кун. Дам олиш учун энг қулай онлар — яқшанба.

АКРАБ. Асабларингизни душанба кун асранг. Сешанбадан янгилик кутинг. Чоршанба кун бошлаган ишларингиз бароридан келди. Соғлиқ учун хавфли кун — пайшанба. Жумада кайфиятингиз чатоқ. Шанба кун молиявий ахволингиз яхшиланади.

КАВС. Душанбада бойийсиз. Сешанба кун яқинлар дийдорлашуви. Чоршанбада соғлиқни ўйланг. Пайшанба кун кайфиятингизни туширмасликка ҳаракат қилинг. Кўнглили хордик чиқармоқчи бўлсангиз жума ва яқшанбани танланг.

ЖАДЙ. Чўнтак учун омадли кунлар душанба ва чоршанба. Сешанбада сизни сўроқлашади. Ҳамкорлар билан учрашувни пайшанбага белгиланг. Жумада яқинингизни кутинг. Шанба кун қувонасиз. Яқшанбада асабийлашманг.

ДАЛВ. Соғлигингиз душанбада яхши эмас. Сешанба кун асабини асранг. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанбада бойийсиз. Жума хайрли кун. Шанбадаги кўнғирокдан кейин ҳаётингизда ўзгариш бўлиши мумкин. Саломатлик — туман бойлик эканлигини яқшанбада унутманг.

ХУТ. Ҳафтани тушкун кайфиятда бошлайсиз. Сешанба ва чоршанба кунлари сирли учрашув. Пайшанбада сизни сўроқлашади. Муҳим ишларни жумага қолдирганингиз маъқул. Шанбада алдаб кетишга уринишади. Яқшанба кун ҳаммаси о'кей.

Ёш боксчилар байрами

Андижон шаҳридаги боксчилар мактабининг эришган муваффақиятлари нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам машҳурдир.

Вилоятда вилоят бокс уюшмаси ва мазкур спорт байрамининг бош ҳимойиси бўлган "Андижонёғмой" акциядорлик бирлашмасининг меҳнат жамоаси уюштирган ёш боксчилар турнири андижонлик мураббийларнинг маҳорати ҳамда боксчиларнинг куч-қудратини яна бир қарра исботлади.

Мусобақа вилоятдаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг спорт базасида ўтказилди. Турнирда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 162 истиқболли боксчиси ўз куч ва маҳоратини синаб кўрди.

Мусобақада Андижон шаҳри республика олимпия резервлари билим юртининг ёш спортчилари голиб деб топилди. Улар 12 турдаги вазн тоифасида етти марта голиблик шохсупасига кўтарилди.

К.НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири

АНЕЛЬКА "РЕАЛ"ГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Мадриднинг "Реал" клубида тўп сураётган 20 ёшли Франциялик ҳужумчи Никола Анелька ўнг тиззасидан қаттиқ шикстланиб, навбатдаги жароҳатини олди. Оқибатда у яшил майдонда тўп суриш бахтидан тўлиқ уч ойлик мажбурий танаффус олиши мумкин. Мазкур ҳодиса Бразилия футбол майдонларида клублараро жаҳон биринчилиги кечаятган жараёнда, яъни "Реал" билан бир гуруҳда баҳслашаётган "Касабланка" (Марокко) жамоаси билан бўлган учрашувда юз берди.

Испанияга учиб келган Анельканинг аҳволи ҳақидаги аниқ фактлардан шу нарса маълумки, футболчини Мадрид аэропортидан то "Реал" футбол клуби базасигача ногиронлар аравачасида олиб боришган. Жамоанинг шифокорлари эса, жароҳатни хавфли деб баҳолашга ошиқмай, бу

ҳақда кейинроқ маълум қилишмоқчи. Фақат бир нарса ойдинки, агар Анельканинг пайи узилган бўлса, у камида уч ой муддатга томошабинлар сафида ўтиришга мажбур. Француз футболчиси ўтган йилнинг ёзида Лондоннинг "Арсенал" клубидан рекорд ҳақода — 37 миллион долларга сотиб олинган бўлсада, охири пайтларда ҳужумчи "Реал"да ўз маҳоратини тўла намойиш эта олмай, ортиқча "дахмаза"га айланганди. Хусусан, Испан матбуотида айтилишича, у мавсумда мухлислар ишончини оқлолмади. Анелька яқиндагина ўзини қайта кайта эртаётганди, яъни у клублараро жаҳон биринчилигида Қирол клуби учун қимматли бўлган 3 тўпни рақиблар дарвозасига йўлаб, аъло спорт формасига қайтмоқда эди. Афсуски, спорат бемаҳал содир бўлди.

XX аср сўнгидаги немис футбол юлдузларидан бири, жаҳон чемпиони Лоттар Матеус шу йил ўзининг яшил майдондаги фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги хабарни Мюнхендаги журналистлар билан учрашувда маълум қилди. Ҳозирда у "Бавария" жамоасининг ҳужум чизигида тўп сурапти. Чарм тўп устаси билан сўнги хайрлашув ўйини жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган "Бавария" ва немис футбол иттифоқи ўртасидаги ўртоқлик учрашувда бўлиб ўтади.

Футбол оламида 1997-98 йиллардаги дунёнинг энг кучли футболчиси деган номни қўлга киритган бразилиялик футбол юлдузи Рональдо яқин орада Европадаги ўз клубини ўзгартириши мумкин. 24 ёшли футболчи шу мақсадда мазкур қитъанинг энг машҳур футбол клуби "Манчестер Юнайтед" жамоаси раҳбарияти билан музокаралар олиб бораётгани ҳақида маълум қилди. Айни пайтда, Рональдо тўп сураётган "Интер" (Италия) клуби вакили ҳам бу музокараларни ўринли деб баҳоламоқда.

Ў.ХОЛИҚОВ,
"Туркистон-пресс"

"Туркистон" газетаси тахририяти жамоаси бош ҳисобчи М. Абидовага опаси

Малика ЭРГАШЕВанинг

бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА



Тахририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.